



КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА КРЕДИТЛАШ ЖРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуназаров Шохрух Акром ўғли,

ТМИ катта ўқитувчиси, PhD, E-mail: shohrux_0507@mail.ru

ORCID: 0000-0002-1767-3709

BASIS OF ORGANIZING CREDIT PROCESS IN CREDIT ORGANIZATION AND SPECIFIC CHARACTERISTICS

Abdunazarov Shokhrukh Akrom o'gli,

Senior lecturer of TMI, Ph.D., E-mail: shohrux_0507@mail.ru

ORCID: 0000-0002-1767-3709

JEL Classification: E5, E58

Аннотация: Мақолада кредит ташкилотларида кредитлаш жараёнини ташкил этиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган ҳамда тадқиқ этилган. Амалга оширилган ўрганишлар ва таҳлилларга таяниб кредит ташкилотларида кредитлаш жараёни самарадорлигини ошириши бўйича тегишли таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бозор муносабатларининг чуқурлашувчи, молия-кредит соҳасида рақамли ва масофавий хизмат турлари ва салмоғининг ортиб бориши кредит ташкилотларида кредитлаш жараёнида ҳам жиддий ўзгаришларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, жисмоний шахслар ва хусусий тадбиркорларнинг микрокредитга бўлган талаблари масофадан рақамли банк хизматлари орқали амалга оширилиши, берилаётган кредитлар бўйича мақсадлилиқ тамойилининг талаб этилмаслиги каби масалалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларга тақдим

этилаётган кредитларнинг асосий улуши тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади. Тижорат банкларида кредитлаш жараёнини ташкил этиши ва уларни тартибга солиши масалалари кредит сиёсати ҳисобланади, тижоарт банклари кредит сиёсат ҳар молиявий ҳисобот йили учун банк кенгаши томонидан тасдиқланиб, зарур ҳолларда молиявий ҳисобот даврида унга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиб борилади.

Шу билан бирга мақолада, Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банкларидан ташқари, бошқа кредит ташкилотларининг кредитлаш жараёнини ташкил этиши ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган ва тадқиқ этилган. Амалга оширилган ўрганишлар ва тадқиқотлар натижасида кредит ташкилотларида кредитлаш жараёни самарадорлигини ошириши, ушбу доирада мавжуд муаммолар ва долзарб масалаларнинг ечимларига қартилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract: In the article, the organization of the crediting process in credit organizations and its specific features are theoretically and practically studied and

researched. Based on the conducted studies and analysis, appropriate proposals and recommendations were developed to improve the efficiency of the crediting process in credit organizations.

The deepening of market relations, the increasing importance of digital and remote services in the field of finance and credit are causing serious changes in the process of lending in credit organizations. In particular, these include issues such as the implementation of microloan requirements of individuals and private entrepreneurs through digital banking services, and the lack of a requirement for the principle of targeting of loans.

Commercial banks account for the main share of loans provided by Uzbekistan's credit organizations to individuals and legal entities. The credit policy of commercial banks is the organization and regulation of the crediting process. The credit policy of commercial banks is approved by the bank council for each financial reporting year, and changes and additions are made to it during the financial reporting period.

At the same time, in addition to the commercial banks operating in Uzbekistan, the organization of the crediting process of other credit organizations and their specific aspects are studied and researched. As a result of the conducted studies and researches, suggestions and recommendations have been developed aimed at increasing the efficiency of the crediting process in credit organizations, solving existing problems and current issues in this area.

Калим сўзлар: кредит ташкилотли, тижорат банки, кредитлаш жараёни, кредит сиёсати, кредит шартномаси, кредит тамойиллари, фоиз ставкаси.

Key words: credit organization, commercial bank, lending process, credit

policy, credit agreement, credit principles, interest rate.

Қириш. Ўзбекистон кредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, замонавий молия-кредит хизматлари ва операцияларини амалга ошириш, хусусан жисмоний ва юридик шахсларни кредитлаш жараёнида қатор илмий ва амалий ўзгаришлар ҳамда ислохотлар амалга оширилаётган бўлсада, бу соҳада кредитлаш тартибини содалаштириш, банк мижозларининг кредитларга бўлган эҳтиёжини янада кўпроқ қондириш бўйича долзарб масалалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорида “Тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзлар олиш даражасини ошириш имконини бермаяпти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда[1]”, дея таъкидланиши ҳам бежиздан эмас. Албатта, бу жараёнда кредит ташкилотларининг кредитлаш жараёни билан боғлиқ масалаларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.


Бундан ташқари Ўзбекистонда кредит ташкилотларини ривожлантириш бўйича «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонида банкларни хусусийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган[2].

Мақолада кредит ташкилотларининг кредитлаш жараёнини

ташкилий-ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятларини тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлар мисолида кўриб чиқамиз.

Демак, Ўзбекистонда кредитлаш жараёни ва лизинг хизматларини кўрсатиш кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, уларнинг ичида жисмоний шахсларни кредитлаш бўйича

асосий ўринни тижорат банклари эгаллайди. Қуйидаги расмда Ўзбекистонда кредит ташкилотлари томонидан жами берилган кредитлар ва унинг таркибида тижорат банклари ҳамда бошқа кредит муассасалари томонидан тақдим этилган кредит суммалари ҳақида маълумотлар келтирилган.



1-расм. Кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга берилган кредитлар¹ (млрд сўм ҳисобида)

Расмдан кўриш мумкинки, мамлакатимизда жисмоний шахсларга берилаётган кредитларнинг асосий улуши, деярли 99,0 фоизи тижорат банклари томонидан тақдим этилмоқда.

Кредит ташкилотларининг кредитлаш тартибини кўриб чиқишда асосий эътибор улар томонидан жисмоний шахсларга берилаётган кредитлар билан боғлиқ жараёнлар кўриб чиқилади ҳамда уларнинг турларига эътибор қаратилади, хусусан ипотека кредитлари, автокредитлар, микроқарзлар, истеъмол кредитлари ва

тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитларни расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнлари кўриб чиқлади.

Материал ва метод.

Иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш жараёнида кредит ташкилотларининг кредитлаш жараёнини ривожлантириш билан боғлиқ назарий ва амалий материаллар ва маълумотлар, шунингдек бу борада мавжуд илмий-тадқиқот ишлари атрофлича ўрганилди. Мақолани тайёрлашда таққослаш, кузатиш, иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

ёндашув ҳамда мантикий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Натижалар. Жисмоний шахсларга берилаётган кредитларнинг асосий қисми тижорат банклари ҳиссасига тўғри келаётганлиги табиий жараён бўлиб, чунки бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ҳар қандай мамлакатда муҳим молиявий бўғин ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, тижорат банклари жисмоний шахсларга кредит таклиф этиш бозорида етакчи

ўринни эгаллайди. Шундай бўлсада, масаланинг иккинчи жиҳатига эътибор қаратсак, тижорат банклари кредит портфели таркибида жисмоний шахсларга берилаётган кредитларнинг улуши ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларникига нисбатан паст эканлигини таъкидлашимиз лозим. Қуйидаги расмда мамлакатимиз банк тизими томонидан берилган кредитлар таркибида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳақида маълумотлар келтирилган.



2-расм. Тижорат банклари кредитлари таркибида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми, динамикаси ва улуши² (1 январь ҳолатига, млрд сўм ҳисобида)

Расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тижорат банклари кредит портфели абсолют суммада йилдан-йилга ортиб бормоқда, масалан банк тизими кредит портфели 2018 йил 1 январь ҳолатига 100,0 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йил 1 январга келиб ушбу сумма 400,0 трлн сўм ёки уч баробарга ортган.

Расмда келтирилган маълумотларга таяниб таъкидлаш

мумкинки, айнан шу даврда жисмоний шахсларга берилган кредитлар суммаси ҳам уч баробарга ортган бўлсада, банк тизими кредит портфели таркибида жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг улуши ўсиши паст даражада қолган.

Ўзбекистонда кредит ташкилотларининг кредитлаш жараёни билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларни

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

амалиётда қўлланилиши бўйича Марказий банк бевосита кўрсатмалар бермасида, уларнинг асосий фаолияти бўйича ишларни амалга оширади. Жумалдан мазкур жараёнлар "Марказий банк тўғрисида"ги қонуннинг 62-моддасида қайд этилган бўлиб, унда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари келтирилган[3].

Тижорат банкларида кредитни бериш жараёнини ташкил этиш бўйича асосий ҳужжат кредит сиёсати ҳисобланади. Тижорат банкларининг кредит сиёсати ҳар йили тузилиб банк кенгаши томонидан тасдиқланади ва 1 февралга қадар Марказий банкка келишиш учун тақдим этилади.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати деганда банклар томонидан жисмоний шахсларга, хўжалик юритувчи субектларга ва бошқа юридик шахсларга кредит бериш бўйича белгиланган кўрсатмалар ва мезонлар тушунилади. Ушбу сиёсатлар қарз олувчиларнинг кредит қобилиятини баҳолаш ва кредитлаш билан боғлиқ рискларни бошқариш учун мўлжалланган. Кредит сиёсати, банкларнинг молиявий ресурслари ва кредитлаш жараёни маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Хусусан, профессор Ш.Абдуллаева тижорат банклари кредит сиёсати асосий ҳужжат экналигини таъкидласа[4], А.Омонов тижорат банклари молиявий ресурслар банк кредит операцияларини амалга оширишда муҳим маънаба эканлигини таъкидлайди[5], Ф.Холмаматов эса тижорат банклари жисмоний шахсларни кредитлашда асосий эътиборни риск даражасига қаратиш зарурлигини баён этади[6].

Ўзбекистон тижорат банклари кредит сиёсатини тузишда "Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси",

"Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги ва "Гаров тўғрисида"ги қонунлар асосида тузилади.

3-расмда тижорат банкларининг кредит сиёсатини таркибий тузилишининг умумий кўриниши келтирилган.

Кредит олувчининг молиявий ҳолати. Тижорат банклари кредит олувчиларнинг молиявий ҳолатини уларнинг тегишли молиявий ҳисоботлари ва бошқа тегишли молиявий ҳужжатлари асосида уларнинг кредитга лаёқатлигига баҳо беради. Бунда қарз олувчининг молиявий ҳолати, йилик даромад ва фойда даражаси, кредит тарихи, бизнес фаолити ва ҳолати, гарови ва молиявий ҳисоботи каби омилларни баҳолаш киради. Тижорат банклари кредит сиёсати ҳар бир тоифа учун минимал талабларни ва кредитни баҳолаш учун қўлланиладиган усулларни белгилайди.

Кредит турлари ва чекловлари. Тижорат банклари кредит сиёсати банк томонидан таклиф қилинадиган кредитларнинг турлари, уларнинг шартлари ва талбалари кабиларни аниқ белгилаб қўйилади. Масалан, кредит турлари сифатида истеъмол кредити, ипотека, бизнес кредитлари ва кредит линиялари кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, у қарз олувчининг профили, кредит мақсади ва банкнинг таваккалчилик иштаҳаси асосида ҳар бир кредит тури учун максимал кредит миқдори ёки минимал даражадаги кредит лимитини белгилайди.

Фоиз ставкалари ва тўловлар. Кредит сиёсати ҳар хил турдаги кредитлар учун банк томонидан олинадиган фоиз ставкалари ва тўловларни белгилайди. Ушбу ставкалар қарз олувчининг кредит рейтинги, кредит миқдори, тўлов муддати ва мавжуд бозор шароитлари каби

омилларга қараб фарқ қилиши мумкин. Кредит сиёсат, шунингдек, кечиктирилган тўловлар ёки дефолтлар учун ҳар қандай жарима ёки

тўловларни миқдори ҳамда уларни ундириш каби масалаларни ҳам белгилайди.



3-расм. Тижорат банклари кредит сиёсатининг асосий ташкилий ва ҳуқуқий элементлари

Гаровга қўйиладиган талаблар. Банклар кредит олувчилардан ўз кредитларини, айниқса йирик суммада олинган кредитларнинг суммасидан ортиқроқ бўлган суммаларни таъминлаш учун гаров таъминотини талаб қилишлари мумкин. Кредит сиёсати гаровнинг мақбул турларини ва маълум бир активга нисбатан максимал кредит миқдорини белгилайдиган кредитнинг қийматга нисбатларини белгилайди.

Кредитни тасдиқлаш жараёни. Кредит сиёсати кредитга ариза бериш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибларини белгилайди. Бу жараёнда иштирок этаётган банк ходимларининг, масалан, кредит бўлими ёки кўмитаси мутахассислари, андеррайтерлар, кредит кўмитаси аъзоларининг роли ва

масъулиятини белгилайди. Кредит сиёсати шунингдек, кредит бўйича қарорларни кўриб чиқиш, шартномаларни имзолаш ёки берилган аризалар бўйича қайтариш муддати ва тартибларини белгилайди.

Рискларни бошқариш. Тижорат банклари кредит рискларини баҳолаш ва камайтириш учун уларни бошқариш бўйича тегишли департамент, бўлим ва шўбаъларга эга. Кредит сиёсати банкнинг риск иштаҳасини белгилайди ва рискни баҳолаш усулларини, кредит скоринг моделларини ва кредитларни таснифлаш мезонларини белгилайди. Банклар ва молиявий ташкилотларнинг ресурсларини тўлиқ қайтиши ўта муҳим ҳисобланади [7]. Шунингдек, у кредитларни концентрация хавфи ва қайтара олмаслик таъсири каби

турли хил хавф турлари учун чегараларни белгилайди.

Кредит мониторинги ва ундириши. Кредит сиёсати кредит мониторинги ва ундириш бўйича қоидаларни ўз ичига олади. У кредит самарадорлигини кузатиш, даврий текширувлар ва юзага келиши мумкин бўлган дефолтлар учун эрта огоҳлантириш тизимларини белгилайди. Кредит сиёсати, шунингдек, берилган кредитларни ундириш, кредит шартномаларни қайта тузиш ва қонунчилик талабларининг бузилишида қонуний чоралар кўриш бўйича тегишли ишларни ташкил этиш жараёнларини белгилайди [8].

Тижорат банкларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқишда уларнинг ҳажми, бозор йўналиши ва тартибга солиш талабларига қараб фарқ қилиши мумкин. Шу боис тижорат банклари кредит сиёсатини йилига бир марта тузиш билан чегараланиб қолмасдан, зарурият пайдо бўлганда йила давомида бир неча марта янгиллаши ва қайта тасдиқлаши мумкин. Чунки, тижорат банклари кредит сиёсатига дебитор қарздорлик ва молиявий инқирозлар таъсири албатта бўлади [9].

Микрокредит ташкилотларида кредитлаш жараёни одатда потенциал қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга ва ташкилот мезонларига жавоб берадиганларга кредит беришга қаратилган бир неча босқичларни ўз ичига олади. Муайян жараён турли микрокредит ташкилотлари ўртасида фарқ қилиши мумкин бўлса-да, куйида микрокредит ташкилотларда кредит бериш жараёнини ташкил этишга қўйиладиган талаблар ва уларни амалга ошириш жараёнлари келтирилган.

Кредитга мурожаат. Микрокредит олишдан манфаатдор бўлган жисмоний

ёки кичик бизнес субъектлари микрокредит ташкилотига ариза берадилар. Микрокредит ташкилотлари аризага қўшимча равишда қатор ҳужжатлар илова қилинади. Хусусан, кредит олувчининг даромадлари, харажатлар, активлар ва мажбуриятлар ҳаракати каби шахсий ва молиявий маълумотлар шулар жумласидандир.

Кредит олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш. Микрокредит ташкилотлари қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун аризани турли омиллар асосида баҳолайди. Ушбу баҳолаш аризачининг кредит тарихини, даромад барқарорлигини, бизнес режасини (агар мавжуд бўлса) ва умумий молиявий аҳволини баҳолашни ўз ичига олиши мумкин. Бундан ташқари, микрокредит ташкилотлари кредитни тўлаш қобилиятини баҳолаш учун аризачининг молиявий маълумотларини таҳлил қилади. Улар қарз олувчининг даромад даражаси, мавжуд қарзлари ва молиявий барқарорлиги каби омилларни ҳисобга олишлари мумкин.

Кредит хатарларини баҳолаш. Микрокредит ташкилоти ариза берувчига кредит бериш билан боғлиқ рискни баҳолайди. Улар қарз олувчининг кредитни тўламай қолиш эҳтимолини баҳолайдилар ва қарз олувчи томонидан тақдим этилган ҳар қандай гаров ёки кафолатларни кўриб чиқадилар. Кейинги йилларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар ҳам тижорат банклари кредит билан боғлиқ хаталарни баҳолаш заруриятини келтириб чиқармоқда (Erlane, Kamaruzzaman, Omonov) [10]. Агар кредит олувчи томонидан олинган кредитни тўлаш имконияти бўлмаса, шунингдек у тақдим этган ҳужжатлар кредит билан боғлиқ вужудга келиши мумкин хатарларни қоплаш имконини

бермаса бундай ҳолларда кредит бериш бўйича ижобий қарор қабул қилинмайди.

Кредитни тасдиқлаш, яъни кредит шартномасини имзолаш: Кредит тахлили ва рискни баҳолаш тугаллангандан сўнг, микрокредит ташкилоти кредит аризасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарор ташкилотнинг кредит сиёсати, мавжуд маблағлар ва қарз олувчининг кредит қобилиятига асосланади.

Кредит шартлари: Агар кредит маъқулланган бўлса, микрокредит ташкилоти кредит миқдорини, фоиз ставкасини, тўлаш жадвалини ва бошқа ҳар қандай шартларни белгилайди. Ушбу шартлар қарз олувчига етказилади, кредит олувчи белгиланган шартларга рози бўлгандагина кредит бўйича шартнома имзоналади.

Кредит бериш тартиби. Одатда микрокредит ташкилотлари кредит олувчига пул маблағларни шартномада келишилган мақсадлар учун банкда очилган ҳисобварағидан ўтказиб беради. Микрокредит ва кредит олувчи ўртасида тузилган шартномага кўра, кредит суммаси бир марталик ёки бўлиб-бўлиб ўтказиб бериш асосида амалга оширилади.

Мониторинг ва қўллаб-қувватлаш. Микрокредит ташкилотлари кўпинча қарз олувчиларга доимий ёрдам кўрсатади, жумладан, молиявий саводхонлик бўйича тренинглари, бизнес бўйича маслаҳатлар ва кредитлардан фойдаланиш мониторинги. Бу қарз олувчиларга маблағлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради ва муваффақиятли тўлаш имкониятини оширади.

Кредит тўлови. Қарз олувчилар кредитни келишилган жадвалга мувофиқ тўлаш учун жавобгардир. Тўловлар кредит шартларига қараб мунтазам бўлиб

ёки бир марталик тўлов шаклида амалга оширилиши мумкин.

Кредитнинг янгилашиши ёки ётилиши. Қарз олувчи кредитни тўлиқ тўлагандан сўнг, микрокредит ташкилоти билан муносабатлар тугаши мумкин. Бироқ, баъзи ҳолларда, олувчилар ташкилотдан қўшимча кредитлар ёки бошқа молиявий хизматлар олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, муайян жараён ва талаблар микрокредит ташкилотларида фарқ қилиши мумкин. Баъзи ташкилотларда жараёнлар янада соддалаштирилган бўлиши мумкин, бошқалари эса қўшимча қоидалар ёки талабларга эга бўлиши мумкин. Бироқ, айрим иқтисодчиларнинг фикрларига кўра (Омонов, Kamaruzzaman, Erlane), тижорат банклари аввал кредит олган шахсга кредит беришда асосий эътиборни банкнинг ликвидлилик ҳолатига жиддий эътибор қаратиш лозим [11].

Шуни таъкидлаш керакки, муайян жараён турли хил муқобил кредит ташкилотлари орасида фарқ қилиши мумкин. Ҳар бир ташкилот кредитга лаёқатлиликини баҳолашнинг ўзига хос алгоритмлари ва мезонларига эга бўлиши мумкин.

Мунозара.

Кредит ташкилотларининг брачасида кредитлаш жараёнининг асосий мақсади кредит олувчига берилган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни тўдиқ ва ўз вақтида қайтариб олишга қаратилган. Бироқ, айрим ҳолатларда бунга қатор айрим объектив ва субъектив омиллар таъсири натижасида муаммоли кредитлар вужудга келади. Объектив омил – бу тижорат банкига боғлиқ бўлмаган вазиятларда юзага келади. Мисол учун кредит олган мижознинг бизнес режаси кутилган натижани бермаганда ёки кредит мақсадсиз ишлатилиши натижасида

мижоз тўлов лаёқатлилигини йўқотганда вужудга келадиган омил хисобланади. Субъектив омил – бунда банкларда актив ва пасивларни бошқариш стратегиясининг мавжуд эмаслиги ёхуд мукамал тузилмаганлиги ва фаолиятда юзага келувчи рисклардан ҳимояланиш тадбирлари ишлаб чиқилмаганлиги тижорат банки ходимлари ёки раҳбарларининг ишга совуққонлик билан ёндошиши натижасида юз беради. Бунга яна бир мисол қилиб маъсул ходим қиймати кредит маблағидан қиймати паст бўлган гаровни кредит суммасидан юқори суммада баҳолаши ёки гаровга қўйилган объект қизил ҳудудда жойлашганлиги, мижоз билан банк ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви натижасида содир бўлади.

Хулоса. Кредит ташкилотларида кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари жоирасида амалга оширилган ўрганишлар ва тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар ва таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлдик.

1.Кредит ташкилотларида кредит беришда асосий ҳужжат кредит сиёсати хисобланади. Кредит сиёсати кредит ташкилотларининг ташкил ҳуқуқий, мулкӣ ва молиявий жисҳатдан ташкил этилишига қараб тегишли хусусиятларга эгадир.

2.Миллий иқтисодиётни кредитлашда кредит ташкилотлари ичида асосий улуш тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади ва уларнинг фаолияти Марказий банкнинг тегишли монетар инструментлари ва иқтисодий нормативлари асосида тартибга солиб борилади.

3.Кредит муассасалари томонидан берилган кредитларнинг асосий улуши юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади,

демак келгусида кредит ташкилотлари асосий эътиборни жисмоний шахсларга қаратиши лозим бўлади.

4.Микрокредит ташкилотлар ва кредит уюшмалари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали мамлакат аҳолисининг молиявий маблағларга бўлган юқори талабини янада кенгрок қондириш лозим.

5.Микрокредит ташкилотларида асосий муаммолардан бири ҳисобланган молиявий ресурсларни депозитларни жалб қилишга розилик бериш орқали ҳал этиш чораларини кўриш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, кредит ташкилотларида кредитлаш жараёни уларнинг мулкчилик шакли, молиявий ва иқтисодий имкониятлари ҳамда берилаётган кредитларнинг миқдори ва мақсадларига қараб бир-биридан жиддий фарқ қилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2018 йилдаги “Банк хизматлари оммабонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги қонуни, 2019й.
4. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Дарслик. – Т.: «Молия», 2002 й.
5. Омонов А.А., Қоралиев Т.М. Пул ва банклар. Дарслик. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018.
6. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. и.ф.фал. док. (PhD) дисс. авт. – Т.: 2019. –28 б.
7. Analysis of Banking System Performance of Select Global Economies With That Of India - During And After The Global Financial Dr. Smita Shuklaa Associate Professor, Alkesh Dinesh Mody Institute, University of Mumbai, Mumbai (<http://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/3.0/>).
8. Magnani, V. M., da Costa Gomes, M., Antônio, R. M., & Gatsios, R. C. (2020). Impact of Monetary Policy Changes on Brazilian Banking Efficiency during Crises. *Theoretical Economics Letters*, 10, 1019-1030. <https://doi.org/10.4236/tel.2020.105059>.
9. The Effect of Financial Assistance, Accounts Receivable Management and University Size on Financial Distress R Roslan, K Muhammad, EK Ghani, AA Omonov – 2023 https://refpress.org/wp-content/uploads/2023/03/Paper-8_REF-1.pdf.
10. Climate Change: A Sustainability Effort from Accounting Perspective Erlane K. Ghani Kamaruzzaman Muhammad Akrom A. Omonov *Novel Perspectives of Geography, Environment and Earth Sciences* Vol. 5, 4 March 2023 , Page 18-40 <https://doi.org/10.9734/bpi/npgees/v5/18539D>
11. Akrom A. OMONOV, Kamaruzzaman MUHAMMAD, Erlane K. GHANI. “Factors Influencing Liquidity Creation among Commercial Banks in Uzbekistan: An Empirical Study” *The Journal of Asian Finance, Economics and Business(JAFEB)*, 10권, 1호, 1-8, 2023, 10.13106/jafeb.2023.vol10.no1.0001